



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2001 йил 28 сентябр, жума №153 (1167)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЁРДАМИ

Сентябр ойида Наманган вилояти шифоналариди Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қурғоқчиликдан зарар кўрган туманларидан келган аёллар сароматлиги тикланди. Бу минтақанинг кўпгина аёллари ёзги меҳнат таътилларида шу ерда ўтказди. Вилоят касаба уюшмаларининг энг яхши соғломлаштириш масканларида бу даврда 1500 нафар қорақалпоғистонлик дам олди.
Қорақалпоғистонлик ва хоразмлик аёллар дам олишининг асосий ташкилотчиларидан бири - Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши ушбу мақсад учун 20 миллион сўм ажратди.

Н.ХУЖАЕВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Суд тизимини янада ислох қилиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари малака ҳайъатларига:

судьялар кадрлари захирасини шакллантириш, шунингдек судьяларнинг бўш лавозимларига қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тавсия этилган номзодлар юзасидан таклифлар тақдим этиш;
халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловларини ўтказиш, уларни ўқитиш ишларини ташкил этиш юклансин.

Белгилансинки, судьяларнинг малака ҳайъатларига қўйиш учун тавсия этилган шахсларга тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олиш, тайёрлаш ва малака ҳайъатларининг кўриб чиқишига қиритишни таъминловчи судьяларнинг малака ҳайъатлари котиблари лавозими киритилсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьялари лавозимига танлаш ва тавсия этишни;
вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманларо ва туман (шаҳар) судлари фуқаролик ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича судлари, ҳарбий судлар судьяларини лавозимга тақдим этишни;
судлар фаолиятининг ташкилий, ахборот-таҳлилий таъминотини амалга оширишни.

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига судьялар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ишида оқиб-оидинлини ва ошқоралиқни, ушбу ишда вертикал бўйича ҳисобот беришни, шунингдек ушбу соҳада хизмат мавқеини сунистеъмол қилиш ҳолларининг олдини олишни таъминлаш юкланади.

3. Ишлар ҳамжи кўпайиши муносабати билан Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 7 нафар етакчи инспектордан иборат котибияти ташкил этилсин.
Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси котибияти:

судьяларнинг малака ҳайъатлари таклифлари ва тавсиялари тўплаши, умумлаштирилиши ва таҳлил этилишини таъминлайди;
судьялар кадрларининг статистика ва шахсий ҳисобини юритади;
ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини текширади ва материалларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига беради;
комиссия фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди.
Котибият ходимларининг функционал вазибалари Комиссия Иш тартиби билан белгиланади.

ушбу зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўриш;
судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш.

4. Белгилансинки, судьяларнинг малака ҳайъатлари таклифлари ва тавсиялари тўплаши, умумлаштирилиши ва таҳлил этилишини таъминлайди;
судьялар кадрларининг статистика ва шахсий ҳисобини юритади;
ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини текширади ва материалларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига беради;

5. Кўйидагилар Департаментнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

суд қарорлари ва бошқа органлар қарорлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, суд ижрочилари тунман (шаҳар) бўлимлари фаолияти устидан назорат қилиш ишларини ташкил этиш;
судларнинг бинолари, иморатлари ва бошқа объектларини қуриш ва таъмирлашни ташкил этиш ва бу ишларни амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш;
судларни техника, асбоб-ускуналар, автотранспорт, мебель ва бошқа зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш;
судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

6. Белгилансинки, суд амалиёти ва суд статистикасини тизимли таҳлил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар Вазирилари Маҳкамасининг Раиси


Тошкент шаҳри, 2001 йил 22 сентябр

И.КАРИМОВ

7. Белгилансинки, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, суд ижрочилари тунман (шаҳар) бўлимлари фаолияти устидан назорат қилиш ишларини ташкил этиш;
судларнинг бинолари, иморатлари ва бошқа объектларини қуриш ва таъмирлашни ташкил этиш ва бу ишларни амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш;
судларни техника, асбоб-ускуналар, автотранспорт, мебель ва бошқа зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш;
судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Белгилансинки, суд амалиёти ва суд статистикасини тизимли таҳлил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар Вазирилари Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2001 йил 22 сентябр



ИШЧИЛАР КАДРОН ЖОЙЛАРИГА ҚАЙТИЛАДИ

Шароф Рашидов туманидаги Бобур номи паррандачилик фабрикаси беш йил аввал инқирозга юз тутганди. Бутун бошли жамоа тўрт томонга тарқалиб, бинолар ҳувиллаб, ташландиқ ҳолга келганди. Энг ёмони юзлаб кишилар муқим иш ўрнини йўқотиб, муайян даромаддан маҳрум бўлиб қолишганди. Фабрика ишини тўғри йўлга буриб юборишни дилга тугиб юрганлар ҳам йўқ эмасди. Бунинг учун ишончли шерик топиш лозим эди. Изланишлар натижасиз қолмади. Германия Республикасининг «Арис-Хафиз» ҳамда «Пренс Трединг» фирмалари паррандачилик фабрикасини қайта таъмирлаб, ишга туширишда ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Хўмийлар томонидан 89 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Фабрика раҳбари Х.Ҳожиматов ва «Арис-Хафиз» фирмаси бош директори А.Ҳолмўминовлар сўй-ҳаракати билан қисқа вақтда таъмирлаш ишлари бажарилиди. Хуллас, ўтган етти ойда ҳўжалар сони 106 минг бошга етказилди.
— Айни чоғда фабрикада 82 мингта парранда парваришланаётди, — дейди Х.Ҳожиматов. — Кўнига 7000-10000 дона атрофида туҳум олишга эришялмиз. Йил охиригача бу кўрсаткич 25 минг донага етказилиши мўлжалланмоқда. Бу эса ходимларимизни ойлик маош, қўшимча даромад билан таъминлаш имконини янада оширади.
Энг муҳими, яна кадрдон фабрикаларига қайтган кишилар мавжуд имониятлардан умумли фойдаланиб, ташаббус кўрсатиш ишламоқдалар.
Н. ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ХАЗИНАТОПАРЛАР


Мамлакатимиз нефт ва газ мустақиллигини таъминлашга қашқадарёлик хазинатопарлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ишлаб чиқаришда янги технология ва қувватларни жорий этаётган «Қора олтин» захматкашлари 2001 йилнинг тўққиз ойлик режа ва топшириқларни ошириб бажардилар.

Косон «Нефть-газ синаш» очик ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Абдурайим Оқбўтаевни янги очилган Қизилконида учратдик. У газ конларида синаш ишларини олиб бораётган ишчилар аҳволидан амалга олгани келган экан.
— Ўз сафига 411 нафар аъзони бирлаштирган жамоамиз Кўкдумалоқ, «Ғарбий», Шимоллий Тегиримон, Денгизкўл каби бир неча нефт конларида синаш ва таъмирлаш ишларини амалга оширмоқда, — дейди касаба кўми раиси. — Меҳнатда юқори натижаларга эришишимизда ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган меҳрибонлик муҳим омил бўлмоқда. Масалан, ўтган йили 9 та ўрнига 13 та қудуқ ва 52 та қатлам синавдан ўтказилди. 28 та ўрнига 30 та қудуқ қавланди. Умуман 1 миллион сўмлик синаш ва қазиш ишларини амалга ошириб, йилни 210 миллион сўм соф фойда билан аяунладик.

Корхона жамоасининг фидокорона меҳнати билан шу йилда Қумли ва Қизилкони газ конлари очилди. 13 та қудуқда таъмирлаш, 14 та қатламда синаш ишлари амалга оширилди. Йил охиригача яна 124 та шундай тадбирлар олиб бориши кўзда тутилган.
Ишловчилар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари, сут, қатиқ билан таъминланмоқда. Меҳнаткашлар навабат билан Қарши шаҳридаги «Геолог» профилаторийсида дам олиб доволанадилар. Таътилга
Халқимизнинг фаровонлиги ҳар бир кишининг фидойилигига боғлиқ, — дейди «Косон Нефть-газ» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Фулом Қасимов. — Айни кунларда ишчиларимиз самарали меҳнат қилмоқдалар.
Заминимиздаги ер ости бойликлари яратганининг бизга берган инъомини. Уни қазиб олаётган ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларининг меҳнати ҳар қанча тахсинга лойиқ.
Суратларда: «Косон Нефть-газ» ҳиссадорлик жамияти ишчилари.
Е.ЭШМАТОВ олган суратлар.

Дунё воқеалари

ЧЕКЛАНГАН АРМИЯ МАКЕДОНИЯНИ ТАРК ЭТАДИ



«НАТО Македониядаги ўз вазифасини адо этди ва албан жангариларидаги мавжуд қурол-ярроғларни йиғиштириб олди», — деди ушбу ташкилот Бош котиби. Унинг маълум қилишича, режа бўйича 3300 та қурол олиниши керак эди, бироқ жангарилар 3381 та қуролни топширишган. НАТОнинг Македониядаги махсус кучлари кўмондони генерал Гунар Лангенинг айтишича, чекланган армия бугундан эътиборан Македонияни тарк эта бошлайди.

КЕМАЛАР ТўқНАШУВИ

Азов денгизини «Лилия» юк кемаси ҳамда «Волго-

ЧўПОН ҚИШЛОВ ТАШВИШИДА

39 минг гектарлик қир-адирда жойлашган «Халқобод» ширкат ҳўжалиги чорвадорлари қишлоғга тайёргарликни бошлаб юборишди.
— Қишининг қаҳри чорвадорга қайишмайди, — деди ҳўжалик раҳбари Бахтиёр Эргашев. «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ём-ҳашак мўл бўлсагина соҳанинг тигини қилиш мумкин. Шунинг учун чўпонларимиз ём-ҳашак жамғаришга астойдил қиришган.
Ҳўжалик раҳбарининг айтишича, бугунгача чорвадорлар тўрт ярим минг тоннадан зиёд ҳашак жамғариб қўйилди. Қўй-қўзилар учун тўғилган озуқа саналган янтоқ посянини йиғиштириш ишлари ҳам жадал давом этапти. Тўл олиш мавсумида халқободлик чорвадорлар жами 1 минг 600 бош совлиқдан бир минг етти юз бош қўзи олишган эди. Тажрибали чорвадорлар мутахассислар билан ҳамкорликда қўзиларнинг соғлом ўстиришга эришди.
— «Жомбодина маҳсулот» корхонаси билан шартномасиз бор. Қишлоғида минг тоннадан зиёдроқ ём маҳсулоти оламиниз. Беш гектарлик махсус экиндан оладиган махсулоти миз ҳам чорванинг жонига ора қиради. Насиб этса қишлово талофатсиз ўтади, — деди сўзининг якунида Бахтиёр Эргашев.

ТАЙВАНДА ТАЙФУН

Тайвань ҳукумати вакилларининг хабар беришича, оролда юз берган тайфун оқибатида уч киши бедарак йўқолган. Сониясига 56 метрдан 120 метргача куч билан эсган шўмол натижасида темир йўл ҳамда авиа алоқалари тўхтатилган. Икки кундирки, Тайваннинг жануби ва шарқда жойлашган ҳўкумат муассасалари, офис ва мактаблар ёпиб қўйилган.
ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

Меҳнат муҳофазаси

СЎМНИ ТЕЖАЙМАН ДЕБ...

Меҳнат муҳофазаси муаммоси, ишчи-хизматчилар учун хавфсиз иш шароитларини яратиш касба уюшма ташкилотларининг долзарб вазифаларидан бирига айланган...

Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси ҳамда унинг вилоятлардаги тизимлари ушбу ҳужжат талаблари буйича кўпгина тadbирларни амалга оширмоқдалар...

Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида тармоқ Марказий кўмитасида тавсиялар ишлаб чиқилди ва шу асосда юқоридаги нозолдорлик жамияти ҳамда Наманган вилоятидаги «Косонсой-Текмен» кўшма корхоналарида бу борада амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди...

Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияларининг ишларини янада фoлoлаштириш юзасидан кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Утган йил якунига кўра Самарқанд вилояти «Сувокава» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фахрий дид...

ломи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.



Тармоқ корхоналарида бахтсиз ҳодиса сабабли ногирон бўлиб қолган кишиларнинг талаблари ҳам ўз вақтида қондирилмоқда. Масалан, «Бемитс» корхонасининг собиқ ишчиси А.Стебунов Марказий кўмитага мурожаат этиб, иш вақтидаги бахтсиз ҳодиса натижасида етказилган зарар учун тўланадиган тоvon пулини ололмаётганидан шикоят қилганди...

Марказий кўмита ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан келгусида бу муҳим тadbирни янада яхшилаш учун кўпгина ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Шулардан бири иш жойларини аттестациядан ўтказишдир. Лекин айрим корхона раҳбарлари маблағ йўқлигини рўқач қилиб, бу муҳим ишга жиддий қиршмаяптилар...

Яна бир муҳим масала — корхоналардаги бошланғич касба уюшма ташкилотлари ўрта ва кўйи бўғин — ишлаб чиқариш усталари, бригада бошлиқлари, смена ҳамда уастка раҳбарлари меҳнатни муҳофаза қилиш тadbирларига кенг жалб этилмоқдаки бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Шуниингдек, комиссия ҳамда кўйи бўғин раҳбарлари саъй-ҳаракатлари билан меҳнатни муҳофаза қилиш хоналари яхшилаб жиҳозланмоқда...

Мана шу саъй-ҳаракатлар тўғрисида тармоқ корхоналарида ишлаб чиқаришда жараҳатланганлар сони ўтган йилга нисбатан камайди. Йил бошидан бери ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар содир бўлмади.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.



Чет эл сармоясини жалб этиш мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш билан бирга кўплаб янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, «Навойсавдо» ташкилоти қошидаги «Олтин тола» шўъба корхонасида бугунги кунда 60 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда...

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

УСТАМАЛИ ОМОНАТЛАР

Анджонлик тadbиркорлар «Ҳамкорбанк»нинг яқиндан мададини ҳис қилишди. Чунки ҳозир 40000 нафардан ортиқ мижозга эга бўлган банк кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчиларга, деҳқон-фермер ҳўжаликлари ва бошқа жисмоний шахсларга беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банк ўтган ўн йил ичида кўплаб жисмоний шахсларга енгил автомобил сотиб олиш, чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантиришда кредит бериш орқали ёрдамлашди. Айни пайтда ўз қаддини тиклаб, мамлакатдаги энг бақувват банклар қаторидан жой олди. Шуни айтиш кинфояки, муассасанин ҳозирги капитал микдори 1 миллиард 350 миллион сўмни ташкил этмоқда.

«Ҳамкорбанк» аҳолининг бўш маблағларини жалб қилишга ҳам алоҳида аҳамият бераётир. Шу мақсадда қисқа ва узок муددатли «Наврўз», «Истиқлол», «Ижтимоий ҳимоя», «Сюрприз», «Ҳаммабол» сингари 40-50 фоиз уютқули ва устамали омонатлар ташкил этилган.

М.АБДУКАРИМОВ.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Хомиладор ва болали аёлларга қонунчиликда қандай имтиёзлар белгиланган, улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Х.АБДУВАЛИЕВА, Тошкент шаҳри, тиббиёт ходими.

ЖАВОБ: Аёлларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 224-238-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Ундан ташқари, кейинги йилларда Президент Фармонлари билан уларга қўшимча имтиёзлар белгиланган.

Амалдаги қонунга асосан аёлларнинг хомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли уни ишга қабул қилишни рад этиш ва улар иш ҳақининг камайтирилишига йўл қўйилмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 148-моддасида жиний ҳавобгарлик ҳам белгиланган.

Тиббий хулосага мувофиқ хомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ишга ўтказилади.

Агар хомиладор аёл тиббий хулоса талабига кўра енгилроқ иш билан таъминланмаса унга ана шу сабабли ишламаган барча қуналири учун ўртача ойлик иш ҳақи тўланиши зарур.

Қонунда юқорида кўрсатиб ўтилган аёлларнинг иш вақтига ҳам чеклашлар белгиланган. Хомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга (соат 22 дан 6 гача), иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилинишига ва хизмат сафарига юбориш умуман таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг 14 апрел 1999 йилдаги Қонунига асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартirilган иш вақти белгиланган.

АЁЛЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР

қолда буйруқ чиқарилиши керак. Бу буйруқ билан унда кўрсатилган ходим, иш вақти табуелларини олиб борувчи ҳамда иш ҳақини белгилайдиган ҳисобчи имзо чектириб таништирилиши ва уларга бу Қонуннинг мазмун албатта тушунтирилиши зарур.

Тиббиёт ходими экансиз. Шу сабабли тиббиёт ходимларининг иш вақти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтамиз.

Меҳнат Кодексининг

лигининг 1998 йил 24 мартдаги 131-сонли буйруғи чиқарилган. Меҳнат Кодексининг 124-, 157-моддаларига мувофиқ иш вақтидан ортиқ ишга жалб қилиш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади ва бундай ишлар учун камида икки ҳисса микдориди ҳақ тўланиши керак.

Қонунчиликда болали аёлларни дам олишларида берилган имтиёзлардан яна бири Меҳнат Кодексининг 232-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга асосан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч кундан кам бўлмаган мудат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Бу қўшимча таътилниинг мудатиди жамоа шартномасида ҳар бир муассасада ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уч кундан ортиқ қилиб ҳам белгиланиши мумкин. Бу қўшимча таътилдан ҳар йили фойдаланиш зарур ва у кейинги йилга ўтказилишига қонунчиликда йўл қўйилмайди.

Шунинг учун ҳар бир муассасада ўн икки ёшгача ва ўн олти ёшгача ногирон боласи бор аёлларнинг рўйхати тузилган бўлиб, унда болаларнинг туғилган кунини, ойи ҳамда йили кўрсатилган бўлиши шарт. Бу рўйхат ходимлар билан ишлайдиган бўлимда сақланиши ва ундан рўйхатдаги ходимларга меҳнат таътили бериладиган фойдаланилиши зарур.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатиб ўтилган аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган мудатта иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилади. Бундай таътил меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш бевуви билан қилишган ҳолда бошқа вақтда ҳамда қисмларга бўлиб фойдаланилиши мумкин. Бу таътилниинг ҳам кейинги йилга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Мазкур Қонуннинг тўлиқ бажарилиши учун ҳар бир муассасада уч ёшгача боласи бор бўлган ишлайдиган аёлларнинг исми, фамилияси, боласининг туғилган кунини, ойи, йили кўрсатилган ва иш ҳақтининг мудатиди кўрсатилган

КўРИК-ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йил ўқитувчиси - 2001» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Ҳозирда «Йил ўқитувчиси» унинг синфда олиб борадиган 45 дақиқалик дarsi давомида намойён бўлади. - деди Республика Таълим маркази масъул ходими Назира Ғуломова «Туркистон-пресс» мухбирига. - Шу боси ҳайъат аъзолари икки кун давомида пойтахтдаги 110-мактабда ўқитувчиларнинг дарсларини тинглашди. Намунавий дарслардан кейин иштирокчиларнинг мураккаб психологик вазиятларда ўзларини қандай тутишлари ва ҳозиржавоблиги синовдан ўтказилди.

Н.Ғуломованин таъкидлашича, баҳолашда иштирокчиларнинг компьютер буйича саводхонлиги, ижодкорлик даражаси, педагогик маҳорати инобатга олинди.

Сўнгги босқичда иштирокчилар учта шарт буйича мусобақалашди. Якуний босқичнинг биринчи шартига кўра, ўқитувчилар ўз касбларини қай даражада эъозлаб, улуглашларини кўрсатган бўлсалар, иккинчи шартда улар кўтилмаган вазиятлардан қандай чиқиб кетишларини намойиш этишди. Сўнгги шарт буйича иштирокчилар санъатнинг қайси турига қизиқиларини аниқлаб кўрсатиб бердилар. Танлов якунларига кўра, 2001 йилнинг энг яхши ўқитувчиси деб Тошкент вилоятидан келган Раҳима Мирҳолқова топилди. Иккинчи ўрин Ҳожибеғим Очиловага насиб этган бўлса, учинчи ўринни пойтахтлик Ирода Солипова ва андижонлик Дилором Маллабобовалар эгаллашди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида бу борада жайрилишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда юртимизнинг турли вилоятларидаги касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун бир ойлик махсус курс ташкил этилди. Ҳуқуқ машғулотлари коллежларда таълим жараёнини ташкил этиш, таълимнинг ишлаб чиқариш билан узаро муносабати, меҳнат бозориди мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёж билан боғлиқ масалаларга бағишланди. (ЎЗА).

Аёллар ҳақида алоҳида ҳурмат билан гапирармиз. Улар ҳаётимиз гуллари, дея бежиз эъозланмайди. Айниқса, оилада, бола тарбиясида умри азизларининг ўрни бўлақча. Тўғри таъкидлашда, аввало аёлга оилавий бахтдан буюрсин. Фарзандининг бахтини, камолини кўриш ҳар бир инсоннинг, онаизорнинг ёркин орзуларидан бири. Ўзининг аjoyиб фазилати, фидойи меҳнати билан эл-ўрда ўртасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган ва бўлаётган хотин-қизлар жуда кўп. Бироқ, бахтга қарши, оила, фарзанд тарбияси оиладаги бурчинини унутган, фақат ўз манфаатини ўйлаётган аёлларимиз ҳам йўқ эмас.

...Раҳима ёшлигидан эрқа ўсди. Бирор касб ёки хунарининг этагидан тутмади. Турмуш қуриб, бола-чақали бўлганида, ҳаёт синовларидаги дош беролмади. Жонини қийнамай яшашга интилиш оқибатида у кўп нарсани бой берди. Ҳаттоки, мактаб ёшидаги болалари, ай-

ниқса қизлари каровсиз қолдилар. Раҳима фуқаролик паспорти йўқлиги сабабли ҳар ойда олиши керак бўлган 20 миң сўм нафақа пулига ҳам эга бўлолмади. Аёлга яқин кишилари тегишли жойларга урашиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиш, давлат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланишга даъват

ОНАЛИК

этишганида, осонгина қўл силтаб қўяқолди. Оқибатда қийналиб қолган унинг болалари мактабга ҳам қатнамай қўйишди. Уйчи туман прокурори Раҳима оиласига алоҳида эътибор қаратди. Фарзандлар ёлғизлатиб қўйилмади. Биларок, энг ачинарлиси, хонадон бекаси ўз хатоларини тўғри тушуниб, яқинлари орзу қилганидек ҳаёт кечиролмади. Шундан сўнг прокуратура Раҳима Арслонова устидан даъво аризаси кўзгагиб, уни судга оширди. Учқўргон туманлараро фуқаролик буйича суди даъвогар даввосини қаноатландирди. Фарзанд тарбиясига масъулиятсизлик билан ёндошган, ўз жигарғўшаларини мушкул

ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

яқинлари орзу қилганидек ҳаёт кечиролмади. Шундан сўнг прокуратура Раҳима Арслонова устидан даъво аризаси кўзгагиб, уни судга оширди. Учқўргон туманлараро фуқаролик буйича суди даъвогар даввосини қаноатландирди. Фарзанд тарбиясига масъулиятсизлик билан ёндошган, ўз жигарғўшаларини мушкул

Сиз нунга нима дейсиз?

аҳволга солган, уларни она меҳридан бенасиб қилганлиги учун Р.Арслонова оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Шунингдек, прокуратура аралашуви билан болакайлар ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, уларга тегишли 400 миң сўм нафақа пули ундириб берилди. Икки нафар қиз йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамиятига ишга жойлаштирилди. Санобар ва Авазбек эса мактабга қатнай бошладилар. Ҳаётда инсон хато қилиши мумкин. Бироқ, хотонинг хатодан фарқи бор. Оила, бола-чақа олдидидаги бурчини унутган, нуридийдаларини ташлаб қўйганлар эса охирақибатда қаттиқ пушаймон қиладилар. Бироқ, ўшанда кеч бўлади. Т.ҒОЗИЕВ, меҳнат фахрийси, О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



1-7 октябрь

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни 6.00-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлиннома».

8.45, 17.55 ТВ маркет. 8.50 «Имом Бухорий». Хужжатли фильм.

9.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

9.30 ТВ метео. 9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 8-кисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

10.25 «Ўтган кунлар». Бадий фильм.

12.05 «Шоҳрух клуби». 12.25, 15.00 ТВ анонс

12.30 Кино янгиликлари. 12.50 «Устоз ва мураббий».

Теледўрик. 13.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах

14.10 «Алишер Навоий». Хужжатли фильм.

15.10 «Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила». Бадий - публицистик курсатув.

16.00 «Барҳаёт сиймолар». 16.30 «Сизга тавзия, устозлар».

16.55 «Олтин дала». 17.25 «Меҳри - қуёш».

18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».

18.20 «Ўзбекистон фуқароси». 18.35 «Тафсилот».

18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот».

21.05 «Байрамнинг муборак!» 21.35 «Маънавият» дастури.

22.05 «Ўқитувчи». Видеофильм. «Спорт» дастури.

22.25 1. Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги

2. Теннис бўйича «Челленджер» халқаро турнири.

23.30 «Ахборот». 00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Имтиҳон».

9.45 Муқаддас бурч. 10.05 «Давр»-интервью.

10.20 «Живз ва Вустер». Телеесериал.

11.10 Ешлар ва маънавият. 11.25 «Мерлин». Бадий фильм 1-кисм.

12.15 Таянч. 12.30 «Ноилож сайёдлар». Телеесериал.

12.45 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.

14.20 Болалар экрани. 15.25 Ешлар овози.

15.45 «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари». Телеесериал.

16.35 Ватан манзаралари. 16.55 Автопатрул.

17.15 Хайрат. 17.35 Курсатувлар дастури.

17.40 «Янги авлод» студияси: «Ок кабулар», «Шум болалар».

18.10 «Ота». Видеофильм. 18.30 «Мени тушун» Телеўйин.

19.00 «Мени кутгил». 20.00 «Время».

20.30 «Бизнес-ревью». 20.35 «Бибилска пул». Сериал.

21.25 «ТВ-Ада Немис тўлкини». 21.45 «Клип-антракт».

21.55 «Кинематограф». «Тарзан» Бадий фильм.

23.55 «Ахборот» (рус тилида) 00.20 «Туннигиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Номаяълум Қизилқум».

9.20 ТВ метео. 9.25 «Оламини асранг!».

9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 10-кисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Ямбуй ажиниси». Бадий фильм.

11.35 «Қамолот сари». 11.55 ТВ анонс.

12.05 «Разолат гирдоби». 12.25 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.

12.55 «Толғей ёруғ одамлар». 13.05 Қураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ат-Термийий хотирасига бағишланган халқаро турнир.

13.35 «23.5 даражали бурчак остида». Телеесериал. 30-кисм.

14.10 «Остонаси тиллодан». 14.35 «Экспедиция». Телеесериал. 11-кисм.

15.25 «Болаликнинг мовий осмони». 15.45 Авестонинг 2700 йиллиги олдидан. «Авесто». 1-кисм.

16.05 «Муҳлис ёҳуд қўшиқ изидан». 16.30 «Қора қуён». Мультфильм.

16.40 У. Хошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 2-кисм.

18.10 Болалар учун. «Кўзумчюк». 18.35 «Инвестиция».

18.45 «Аёл дунёни тебратар». 19.05 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот». 21.05 «Долзарб мавзу».

21.35 Қураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ат-Термийий хотирасига бағишланган халқаро турнир.

22.05 «Ифтихор». 22.30 «23.5 даражали бурчак остида». Телеесериал. 30-кисм.

22.55 «Ахборот». 23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Имтиҳон».

9.45 Муқаддас бурч. 10.05 «Давр»-интервью.

10.20 «Живз ва Вустер». Телеесериал.

11.10 Ешлар ва маънавият. 11.25 «Мерлин». Бадий фильм 1-кисм.

12.15 Таянч. 12.30 «Ноилож сайёдлар». Телеесериал.

12.45 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.

14.20 Болалар экрани. 15.25 Ешлар овози.

15.45 «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари». Телеесериал.

16.35 Ватан манзаралари. 16.55 Автопатрул.

17.15 Хайрат. 17.35 Курсатувлар дастури.

17.40 «Янги авлод» студияси: «Ок кабулар», «Шум болалар».

18.10 «Ота». Видеофильм. 18.30 «Мени тушун» Телеўйин.

21.40 Клип-антракт.

21.50 Кинематограф. «Хаёт сурури». Бадий фильм.

23.35 «Ахборот» (рус тилида) 24.00 «Туннигиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Номаяълум Қизилқум».

9.20 ТВ метео. 9.25 «Оламини асранг!».

9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 10-кисм.

10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар

10.05 «Ямбуй ажиниси». Бадий фильм.

11.35 «Қамолот сари». 11.55 ТВ анонс.

12.05 «Разолат гирдоби». 12.25 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.

12.55 «Толғей ёруғ одамлар». 13.05 Қураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ат-Термийий хотирасига бағишланган халқаро турнир.

13.35 «23.5 даражали бурчак остида». Телеесериал. 30-кисм.

14.10 «Остонаси тиллодан». 14.35 «Экспедиция». Телеесериал. 11-кисм.

15.25 «Болаликнинг мовий осмони». 15.45 Авестонинг 2700 йиллиги олдидан. «Авесто». 1-кисм.

16.05 «Муҳлис ёҳуд қўшиқ изидан». 16.30 «Қора қуён». Мультфильм.

16.40 У. Хошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 2-кисм.

18.10 Болалар учун. «Кўзумчюк». 18.35 «Инвестиция».

18.45 «Аёл дунёни тебратар». 19.05 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот». 21.05 «Долзарб мавзу».

21.35 Қураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ат-Термийий хотирасига бағишланган халқаро турнир.

22.05 «Ифтихор». 22.30 «23.5 даражали бурчак остида». Телеесериал. 30-кисм.

22.55 «Ахборот». 23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Имтиҳон».

9.45 Муқаддас бурч. 10.05 «Давр»-интервью.

10.20 «Живз ва Вустер». Телеесериал.

11.10 Ешлар ва маънавият. 11.25 «Мерлин». Бадий фильм 1-кисм.

12.15 Таянч. 12.30 «Ноилож сайёдлар». Телеесериал.

12.45 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.

14.20 Болалар экрани. 15.25 Ешлар овози.

15.45 «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари». Телеесериал.

16.35 Ватан манзаралари. 16.55 Автопатрул.

17.15 Хайрат. 17.35 Курсатувлар дастури.

17.40 «Янги авлод» студияси: «Ок кабулар», «Шум болалар».

18.10 «Ота». Видеофильм. 18.30 «Мени тушун» Телеўйин.

19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.

20.00 «Время».

20.30 «Бизнес-ревью». 20.35 «Бибилска пул». Сериал.

21.25 «ТВ-Ада Немис тўлкини». 21.45 «Клип-антракт».

21.55 «Кинематограф». «Тарзан» Бадий фильм.

ПАЙШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Тилларанг ришталар жозибаси».

9.10 ТВ метео. 9.15 «Аёл дунёни тебратар».

9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 11-кисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Талаб ва таклиф». 10.25 «Бурилиш». Бадий фильм.

10.55 Болалар учун. «Кўзумчюк». 11.30 Гёте. «Фауст». Телеспектакль. 2-кисм.

13.20 «Олам». Телеальманах. 13.55 ТВ-анонс.

14.10 «Инсон ва қонун». 14.30 «Озод юрт одамлари». Бадий - публицистик курсатув.

14.55 «Қизлар давраси». 16.00 «Наво таралсин».

16.15 У. Хошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 2-кисм.

17.40 «Харита». Халқаро шарҳ. 17.50 «Шер ва шур».

18.10 «Банк ва мижоз». 18.35 «Янши ният». Телелотерея.

19.05 «Хидоят сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот». 21.05 «Талкин».

21.30 «Саҳна ҳаёти». 21.55 «ТВ-клуб».

22.15 «Орзулар қанотида». 22.50 «Ахборот».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Ок кабулар», «Шум болалар».

9.40 «Живз ва Вустер». Телеесериал.

10.30 Спорт китяси. 11.00 Сенинг вақтинг.

11.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.

11.40 «Мерлин». Бадий фильм 2-кисм.

12.25 Сийрат. 12.45 «Ноилож сайёдлар». Телеесериал.

13.35 Интерфутбол. 15.10 «Мени тушун» Телеўйин.

15.35 «Эҳтимол улар ақлдан озмишандир». Телеесериал.

16.00 «Муҳаббат риштаси». Бадий фильм 1-кисм.

17.15 «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари». Телеесериал.

18.05 Курсатувлар дастури. 18.10 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».

18.35 Табобат оламида. 18.55, 21.55 Иклим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс.

19.55 «Давр»-интервью. 19.55 Ун дақиқа Кулги.

20.00 Оқшом эртақлари. 20.20, 21.05, 22.30 Эълонлар.

20.25 «Мерлин». Бадий фильм 3-кисм.

12.10 Бегийим. 12.30 «Қондорлар» Хужжатли фильм.

13.20 Интерфутбол. 14.55 Ешлар овози.

15.15 «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари». Телеесериал.

16.05 «Ота». Видеофильм. 16.25 «Муҳаббат риштаси». Бадий фильм 2-кисм.

17.45 Курсатувлар дастури. 17.50 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?».

18.10 «Мульттомоша». 18.40 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».

18.55, 21.55 Иклим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 Каталог. 19.40 «Давр»-интервью.

19.55 Ешлар овози. 20.15 Хайрат.

20.35, 21.10, 22.30 Эълонлар. 20.40 «Рамаяна». Телеесериал.

14.05 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис. 14.45 «Океан тубида». Бадий фильм.

16.30 Хуқуқ ва бурч. 16.50 Курсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: «Буш ўтирма».

17.15 «Мульттомоша». 17.30 Саломатлик сирлари.

17.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

18.40 Бизнес-академия. 18.55, 21.55 Иклим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Каталог.

19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Ешлар овози.

20.15 Хайрат. 20.35, 21.10, 22.30 Эълонлар.

20.40 «Рамаяна». Телеесериал. 21.15 Кутилмаган меҳмон.

21.35 Футбол плюс. 22.00 «Давр». Ахборот дастури.

МУТЛОҚ ГОЛИБГА «НЕКСИЯ»

Бугун Термиз шаҳрида Президент соврини учун Ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича анъанавий V халқаро турнир бошланади

Айтиш мумкинки, турнир баҳслари ўтказиладиган вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидиги «Алпомиш» ўйингоҳида мусобақаларни юксак савияда ташкиллаштириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Айтиш мумкинки, турнир баҳслари ўтказиладиган вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидиги «Алпомиш» ўйингоҳида мусобақаларни юксак савияда ташкиллаштириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Айтиш мумкинки, турнир баҳслари ўтказиладиган вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидиги «Алпомиш» ўйингоҳида мусобақаларни юксак савияда ташкиллаштириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Айтиш мумкинки, турнир баҳслари ўтказиладиган вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидиги «Алпомиш» ўйингоҳида мусобақаларни юксак савияда ташкиллаштириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Р.ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Маънавиятимиз сарчасмалари

Кўхна Хоразм воҳасини ҳақли равишда жаҳон цивилизацияси, умумбашарият тараққиётига улкан ҳисса қўшган макон сифатида таърифлаш мумкин. Дунёга не-не даҳоларни етказиб берган ушбу заминда юксак илм-маърифат намуналари яратилган. Хусусан, инсониятни эзгуликка чорловчи «Авесто» айнан шу заминда ёзилган.

Ушбу кунларда вилоятда тарих зарварларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Воҳани қоқ ўртасидан бўлиб ўтган Шовот канали бўйида улкан «Авесто боғи» катта уюшқоқлик билан барпо этилмоқда. Бунёдкорлик ишларини кўриб, қалбнинг кувончи ифтихор туйғуларига тўлади.

Олимларимизнинг эътирофи эътишларича, кўп йиллик археологик тадқиқотлар, мазкур қадимий манба устида олиб борилган изланишлар зардуштийликнинг илк макони — Турон кенгликлари, хусусан, қадимий Хоразм воҳаси эканлигини исботлайди. Шунингдек, «Авесто»нинг Ардвисура, Замяда ва Яштларида ҳамда «Видевдат» китобида келтирилган жўгрофий маълумотлар ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди. Масалан, «Авесто»да ҳамда яратган ўлкалар санаб ўтилган экан, бойлиги ва кўркамлиги жиҳатидан қадимги Хоразм воҳаси биринчи бўлиб тилга олинади, Орол (Ворукаша ёки Вурукаша) денгизи ва Амударё (Даити) тавсифланади. Немис шарқшуноси олими В.Альтхайм «Зардуштийлик дини бешиги Оксус соҳилларида бўлган. Унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан ушарда яратилган, дея таъкидлайди.

Машҳур шарқшунос олим Е.Бертельс эса хоразмшунос олимлар — С.Толстов, В.Хен ва И.Гершовичларнинг қадимий ўлка ҳақидаги маълумотларини солиштириб, «Авесто»нинг мазкур маконда ёзилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлганини айтиб, бу китоб пайғамбар Заратуштра томонидан Хоразмда ёзилган, деган хулосага келади. Академик Б.Ғофуров «Авесто»нинг энг кўхна қисми — «Гот»лари, яъни

АЖДОДЛАРИМИЗ НОДИР МЕРОСИ

валги 2 минг йиллик охири - 1 минг йиллик бошига оид бўлиб, озғани тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда «Авесто» таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ҳамда яратган ўлкалар тарихи ва маданияти ҳақидаги маълумотлар ҳам мазкур маконда ёзилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлганини айтиб, бу китоб пайғамбар Заратуштра томонидан Хоразмда ёзилган, деган хулосага келади. Академик Б.Ғофуров «Авесто»нинг энг кўхна қисми — «Гот»лари, яъни

ўн олти хил разолат ҳамда қабоҳат воситасини пайдо қилган. Шўқри, улар тараққиёт кучлари олдида маҳв бўлиб, кишварлар ривожланиб, гул-гул яшайверди. Зеро, ҳар икки олам яратувчиси Ахурамазда — Буюк тангридир. Заратуштра бундай хабар қилади: «Биз Ахурамазда ни улуглайимиз, у чорвани, сувни ва ўсимликларни, ёруғликни ва ерни яратган».

Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш давралига эмас, бугунги кунимизга ҳам тегишлидир. Чунки ҳозирда ҳам яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш тўхтаган эмас. Шундай экан, «Авесто»да илгари сурилган юксак инсоний ғоялар бугунги ҳаётимизда улкан илҳом куч - қудрат ролини ўйнаши турсин гап. Зотан, муқтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузарлик қилган аجدдоларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир.

Марҳамат МАТҒОЕВА,
ЎЗРФА илмий ходими.

Жума ўғити

Эй фарзанд, билгилки, донишмандлар уйқуни кичик ўлим деганлар. Шунинг учун ўлган киши ухлаган киши билан баробардир. Кўп ухламоқ ёмон одатдирки, баданни суст, табиатни вайрон қилади, (соғлом) юзни касалга ўхшатиб қўяди. Олти нарсаси кишига етишса, унинг юзини ўзгартиради: бири кутилмаган шодлик, иккинчиси бирдан келган ғам, учинчиси қаҳр-ғазаб, тўртинчиси уйқу, бешинчиси мастлик, олтинчиси қариллик. Одам қариса, юзи ўзгарди, аммо бу (ўзгариш) бошқа турга киради.

УХЛАМОҚ ОДОБИ

Кўп ухлаш зиён қилганидек, ухламаслик ҳам зарардир. Масалан, агар бир одамни етмиш икки соат, яъни кеча-кундуз жўртга ухламасдан олиб юрилса, тўсатдан ўлим хавфи тугийлади. Аммо ҳамма ишинг ўлчови бор. Масалан, донишмандлар дебдиларки, кеча ва кундуз йигирма тўрт соат бўлади, (учдан икки қисмида бедор бўл, бир қисмида ухла). Сақиз соатни рўзғор ишига, сақиз соатни хурсандчилик ва шод-хуррам бўлишга, сақиз соатни ўн олти соат меҳнат билан чарчаган аъзоларга ором (дам) беришга бағишлагин. Аъзо ҳаракатдан тинчланиши зарур.

Жоҳиллар эса ушбу йигирма тўрт соат ярмини уйқу билан ўтказиб, ярмида бедор бўладилар, сусткаш одамлар (кеча-кундузнинг) икки ҳиссасида ухлаб, бир ҳиссасида ўз ишлари билан машғул бўладилар. Оқиллар бир ҳиссасида ухлаб, икки ҳиссасида бедор бўладилар...

Кечалик уйқуни кундузга айлантириш ҳикमतдан эмас. Билмилки кишилар ёзининг иссиқ кезларида туш вақтларида дам олгани борадилар, ё ухлайдилар, ё ухламайдилар. Қисқаси, биз умримизнинг кўп қисмини бедорликда ўтказишимиз керак, чунки олдимизда битмас-туганмас узоқ уйқу бордир.

Эрта туришни одат қил, ўз ишингга машғул бўл, агар ишинг бўлмаса, кўнглинг хоҳласа, овни томоша қилишга борсанг, ов қилсанг раводир.

(«Қобуснома»дан).

Футбол

«ПАХТАКОР»НИ «РЕГАР-ТАДАЗ» КУТМОҚДА

СКА-ПВО (Бишкек) қандай команда? Нега «Пахтакор» у билан учрашмоқда? Шу каби саволларнинг берилиши бир қарашда эриш туюлса-да, аммо буни ҳам тушуниш мумкин. Футбол ишқибозларининг шу кеча-кундузда бутун хаёли терма жамоа билан банд. Сабоби эса ҳаммамизга маълум.

Шундай қилиб Тошкентнинг «Пахтакор» командаси кубок эгаларининг қитъа кубоги учун баҳсга киришиб, Қир-ғизистоннинг СКА-ПВО клуби билан икки бор учрашди. Бишкекда бўлиб ўтган биринчи ўйинда Ўзбекистон кубоги соҳиби имкониятлардан унумли фойдалана олмай, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган, шу боис ҳам жавоб учрашувини

Учкўприк туманидаги «Учкўприк» ширкат хўжалиги ҳудудида ажойиб гузар фойдаланишга топширилди. У меҳнаткашларнинг севимли масканига айланмоқда.

рилмаганда ўйин қандай тугарди. Хужумга ташланган ярим ҳимоячининг саёй-ҳаракати билан аввал ҳисоб тенглашди, команда сардори Геннадий Шариповнинг зарбасидан сўнг эса кўшимча вақтда орани очди қилиб олишга имкон тугийди.

Кўшимча вақтда яна Л.Кошелев ўзини кўрсатди. Унинг аниқ зарбаси анча толиққан футболчиларни тўла 30 дақиқа ўйнашдан халос этди. «Пахтакор» икки учрашув натижасига кўра 4:3 ҳисобида голиб чиқиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Энди «Пахтакор» Тожикистон кубоги соҳиби «Регар-Тадаз» билан баҳсга киришади. Бизнинг бутун диққат-эътиборимиз эса бугун Қатар терма жамоасига қарши майдонга тушадиган ватандошларимизнинг саёй-ҳаракатларига қаратилади. Зеро, ҳали умидимиз сўнгани йўқ. Қолаверса, ёрқин ва музаффар учрашувларни соғиниб қолдик.

Б.ҲАМРОКУЛОВ
олган суратлар.


«АНДИЖОНРИНГ» ИШ БОШЛАДИ

Андижонда бокс бўйича жаҳон чемпионлари етишиб чиққандан кейин спортнинг бу турига қизиқиш кескин кўпайди. Ҳозир вилоят шаҳар ва қишлоқларида юзлаб ёшлар бокс билан жиддий шуғулланмоқдалар. Бу янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Баъзи маҳоратли ёшлар ҳаваскорлик рингидан кейин профессионал бокс билан шуғулланиш истagini билдирмоқдалар.

Вилоят жамоатчилиги ёшларнинг ана шу талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Андижон шаҳрида «Андижонринг» профессионал бокс клубини ташкил этди.

Клуб президенти Анвар Убаевнинг айтишича, вилоятда профессионал бокс клубини қўллаб-қувватловчи ҳомийлар тобора кўпайиб борапти. «Андижонёғмай», «Асакаёғ», «Хўжаободшароб», «Антекс», Бобур номли ил йигирув ҳисадорлик жамиятлари шулар жумласидандир. Ҳозирча клуб ўзининг тўрт нафар профессионал боксчисига эга. Тез орада улар сафининг анча кўпайиши кутилмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ.



Юртимиз фидойи кишилари

Олмослик математика-физика фанлари ўқитувчиси Жанобиддин Камолов эллик йилдирки Ёшларга сабоқ бериб келяпти.

Чустда уни устоз муаллим деб эъзозлашади. Отаҳон мураббий бу йил 71 ёшга қоралади. У ҳар бир дарсга иштиёқ билан алоҳида тайёргарлик қўради. Яқинда уни фарзандлари ўртага олиб, «Отаҳон, қариллик гаштини суриб уйда ўтиринг, ёшлар ишласин» деб қолишди. Ота бу гапдан ўнғайсиз аҳволга тушди. Сўнг мактаб директориға

қўзларига кўзи тушар экан фикридан қайтди. Шу жонаҳон мактаб, лаларни келтиради. «Касбимни севаман. Соғлигим зўр. Қандай қилиб уйда ўтирай, - деди Ўзбекистон халқ таълими аълолиси Жанобиддин Камолов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ишлайдиган замон келди. Янги миллий дастур бизни азалий озуларимизни амалга оширди. Маънавиятимизни қайтарди. Ўзлигимизни танидик. Бугун ўзбек болалари хорижда илм олишмоқда. Бу менга кучкуват беради. Шунинг учун ҳам ҳамон сафдаман.

Касбга садоқат ариза ёзиб кирди. Директор ҳайрон. Сабабини билгач, «Буни ўзингиз ҳам, биз шогирдларингиз ҳам истамаймиз-ку», - деди. Отаҳон бироз ўйланиб турди-да, иккиланганча қаридорга чиқди. Уни бир зумда юқори синф ўқувчилари ўраб олишди. Жанобиддин ака шогирдларининг порлаб турган



КУТУБХОНАНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВРИЙ НАШРЛАРИ

Бу кутубхона республикаимиздаги етакчи зиё масканларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Чиндан ҳам фан ва техника давлат кўмитаси илмий-техника ахбороти фондининг республика илмий-техника кутубхонаси кўплаб адабиётларга эга. Айтиш вақтда у техника ва тармоқли соҳа адабиётларини сақлаш ва тарғиб қилишда депозит кутуб-

хона бўлиб хизмат қилмоқда. АҚШ ахборот институтлари томонидан бошқарилаётган устувор йўналишлар бўйича кўплаб нашрий маълумотлар ҳам кўлга киритилди. Шу йилдан эътиборан зиё масканининг халқаро EBSCO электрон журналлариға кириш имконияти тугийди. Бу каби муҳим техник тадбирлар кутубхонада локал ҳисоблаш тармоғини яратиш, электрон ка-

талоғни тузиш учун замин ҳозирлади. Эришилаётган ютуқларни оммалаштириш мақсадида кутубхона фаолиятиға доир буклет нашри босмага тайёрланди. Зиё маскани қўлланма-услубий материаллар тўпламини ҳам чоп эттиради. «Кутубхонанинги янги хорижий даврий нашрлари» рўйхати ҳам рисола сифатида оммалаштирилади-ган бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

КОРХОНА БОҒЧА ҚУРДИ

Поп туманидаги «Пахта толаси» ҳиссадорлик жамияти ўз маблағи ҳисобидан 140 ўринли «Пахтавий» деб номланган болалар боғчасини қуриб фойдаланишга топширди.

— Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари корхона касабаси уюшмасининг эллик фоиз имтиёзи билан тарбияланмоқда, — деди жамият раиси Валитон Ҳайдаров «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кичкинтойларнинг озиқ-овқатиға алоҳида эътибор бераёلمиз. Бунинг учун йилига корхона ҳисобидан олти миллион сўм маблағ сарфланади. Бундан ташқари, янги боғчани ёрдамчи хўжалигимиз орқали мева-чева, гўш ҳамда балик маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаб турибмиз.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ижтимоий сурғурта бўлими мудири Журъат Султонова волидаи муқтарамаси **Икболхон СУЛТОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан қуқур таъзия изхор этади.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош мухаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маънавиятимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетаға 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерияда терилиб ва сақланган. Обсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. 8849 нускада босилди. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.